



2016 йил «26» март

№ 215-ч

**Ер участкаси ажратиш ва
қурилишга рухсат бериш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №81-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 25 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида, 2016 йил 16 мартдаги «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ билан келишилган №344/07 сонли келишув хати, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 25 февралдаги №230-сонли экологик экспертиза хулосасини, Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси АЖ Нуробод тумани Жом КФЙ Гирдиқурғон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 456 контурда жойлашган 0.60 гектар лалмикор ер майдонига 35/10 кВт Жом нимстанциясини қуриш ҳамда 18 км электр тармоғи тортиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган хати ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 16 мартдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси АЖга Нуробод тумани Жом КФЙ Гирдиқурғон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 456 контурда жойлашган 0,60 гектар лалмикор ер майдонига 35/10 кВт Жом нимстанциясини қуриш ҳамда 18 км электр тармоғи тортишга рухсат берилсин ҳамда ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 16 мартдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси АЖга куйидаги вазибалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига муружаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов